

# ЖАЛҚ СЎЗИ

Газетамиз 1991 йил 1 январдан чиқа бошлади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

10 НОЯБРЬ, СЕШАНБА № 219 (470). 1992 йил. Сотувда эркин нархда

## БУГУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛИЦИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 75 ЙИЛ ТЎЛДИ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ!

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ СУЗЛАГАН НУТҚ

### ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛБ ФАРЗАНДИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Узоқ-яқиндан келган биродарлар! Ҳурматли дўстлар! Авваламбор, кўнра Жаззах юртига ташриф буюргангиз ва бугунги тантанادا қатнашганингиз учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Биз атоқли давлат ва жамоат арбоби, халқимизнинг сеvimли фарзанди Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини нишонлаш учун муътабар Жиззах заминига тўпландик. Бугун ўзбек халқи, республикамизнинг ҳар бир фуқароси Шароф Рашидов руҳи ва хотирасини эслаб, ҳурмат-эҳтиромини бажо келтирмоқда. Шу кунларга етказгани учун Оллоҳга минг қатла шукр дейишимиз керак.

Бугунги тантанани сўнги йилларда она ватанимиз, жафокан халқимизни мисли қўрилмаган гуҳматлардан, игво, маломат тошларидан бутунлай халос қилиш бўйича олиб борган машаққатли курашимизга бир нуқта қўйиш кўни десак хато бўлмайди. Минглаб асосиз жабрланганлар, уларнинг оху фарёд чеккан ота-оналари, муштиппар аёллари, фарзандлари, камситилган халқимиз ҳақиқат-ҳурмати, рўй-рост айтгайлик: бу кунни озиқиб кутган эдик!

Бу кунни энг озиқиб кутган, энг маҳтал бўлган — Шароф Рашидовнинг муқаддас руҳидир! Минг аф-

тиклаш вазифасини қўйдик. Шу ўринда мен орамизда юрган айрим «кароматтўй»ларнинг бир фикрига мулаққо қўйилмаслигини айтмоқчиман. Нима эмиш — гўё биз мустақилликка бир тарихий тасодиф оқибатида, осонгина, ҳеч қандай курашсиз эришибмиз. Буни фақатгина ўз тарихини билмаган ёки билганини ис-тамаган, ёхуд уни ҳурмату писанд қилмайдиган ва балки, очингани айтганда, маълум эгри сиёсий максатларни кўзлабган аламзадалар айтиши мумкин.

Тарихимизнинг оғир ва машаққатли саҳифалари, сиёсийларини эслайдик. Андоқларимиз бошдан не-не суронлар, фожиа, талоқ-тарожликлар кечмади! Аммо инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломалари, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бебаҳо маънавий қадриятларни яратган ҳам ана шу халқимизнинг даҳосидир.

Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшайди, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрки сари интилди. Ана шу миллий онг, ана шу миллий гурур бунга интилади. Бугунги осойишталикнинг оқтин пойдевори. Бу пойдеворга Широқ ва Тумарис, Беруний ва Форобий, Абу

Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуг зотлар асос солганлар.

Бобоқалонларимиз — имом ал-Бухорий ва имом ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. Бугун уларнинг инсонни маънавий етуқликка қорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий қимматлари қайтадан жаранглай бошлади.

Мустақиллик пойдеворида халқимизнинг совет империяси даврида қатағонларга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шунинг учун ҳам мустақиллик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўйинилган муътабар инсонларнинг номлари бирикетини тиклаётимиз. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотига қайтмоқда.

Бир сўз билан айтганда — мустақиллик, ҳуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳо-си доимо авлодлар тақдирини, ҳаёти, нийонини, виждонини билан ўлчанади. Бизнинг энг муқаддас ва шарафли вазифамиз — истиқлолимиз қадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва ниймонимиз билан сақлаб қолиш. Уни мустаҳкамлаб, бойитиб келажак авлодларга етказишимиз шарт.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ПАХТА МАХСУЛОТИНИ СОТИШ ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК АССОЦИАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТУҒРИСИДА

Бозор муносабатларига ўтиш шариоитида колхозларнинг, совхозларнинг, пахта тозалаш саноати корхоналари ва ташкилотларининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, пахтани қайта ишлаш жараёнининг самарали ташкил этилиши ҳамда пахта толасини ва бошқа махсулотини сотишда уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Енгил саноатни хом ашё билан таъминлаш ва махсулотини сотиш Бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон пахта саноати республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг мажбур ташкилотларини туғатиш ҳамда уларнинг қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларини Ўзбекистон Пахтани қайта ишлаш ва пахта махсулотини сотиш давлат акционерлик ассоциациясига иктирий бириктириш тўғрисидаги қарорни қабул қилинсин.

2. Белгиланган қўйилсинки, Ўзбекистон Пахтани қайта ишлаш ва пахта махсулотини сотиш давлат акционерлик ассоциацияси: юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган ҳўжалик уюшмасидир ва у пахтани харид қилишни, қайта ишлашни ҳамда пахта махсулотини ва каноп сотишни таъминловчи давлат ва акционерлик корхоналарини хом ашё билан таъминлаш ва махсулотини сотиш, транспорт, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини ва бошқа иxtисослаштирилган ташкилотларини иктирий асосда бириктиради;

3. Фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва ассоциациянинг Вазирлар маҳкамаси тасдиқлаган низоми асосида юрталди.

Ўзбекистон Енгил саноатни хом ашё билан таъминлаш ва махсулотини сотиш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Пахта саноати республика ишлаб чиқариш бирлашмаси билан илгари тузилган барча шертномалар ва қабул қилинган масъулиятлар бўйича масъулиятлар.

3. Ўзбекистон Пахта саноати республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг айлоти ишлаб чиқариш бирлашмалари ва Ўзбекистон Енгил саноатини хом ашё билан таъминлаш ва махсулотини сотиш бошқармасининг таъминлаш ҳамда махсулотини сотиш бошқармалари негизинда пахтани харид қилиш, қайта ишлаш ва пахта махсулотини сотиш ҳудудий давлат акционерлик бирлашмалари ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Давлат пахта саноатини ва махсулотини сотиш ассоциациясини асосий вазирлар ва йўналишлари қилиб белгилансин:

— республикада етиштирилган пахтани харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ барча ишларини уюштириш ва амалга ошириш; — истеъмолчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси белгиланган меъёrlарда давлат эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур ҳажмда пахта толасини сотиш ва етказиб бериш, жумладан Ўзбекистон Республикасини Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг рухсатномалари асосида экспорт учун жўнатиш; — чигитдан фўдаланчиининг белгиланган тартибига мувофиқ Республиканинг пахтакор хўжаликларига ва ёғ мў саноати корхоналарига чигит сотиш;

(Давоми 2-бетда).

### САМИМИЙ ҚУТЛОВ

қилмоқдалар, жамоат тартибини ва умумхалқ мулкни қўриқламоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари сизларнинг мардона ва олийжаноб касбингизга ҳурмат-эҳтиром изҳор этиш билан бирга милиция ходимлари бундан бунён ҳам халқлар ўртасида тўтувликни, одамлар орасида дўстлик ва ўзаро ишончини мустаҳкамлашга ҳар томонлама ёрдам беради, Ўзбекистон Республикасини Конституциясида ва қонунларида ўз ифодасини топан эзгулик ва алоқат гоиларига садоқат билан хизмат қилади, деб умид билдирадилар.



### ЭСЛАШ

1988 йилнинг 16 июнь кўни Тошкент шаҳри бўйлаб муҳтис хабар тарқалди. Ўз хизмат вазифасини ўтаётган вақтда уч нафар ДАН ходимини қуролланган жиноятчилар отиб ўлдирди. Бу воқеа ҳозирда ҳалок бўлган ДАН ходимлари шарафига «Уч қаҳрамон» номи билан аталаётган ДАН постида содир бўлган эди. Шунга ҳам мана қарийб тўрт йилдан ортиқроқ вақт бўлди. Аммо бизнинг назаримизда бу воқеа худди кечагидек кўз олдимизда

турибди. Назоратчилар гўёки узоқ муддатли хизмат сафарига кетилган-у, эртанин кириб келишгадигандек тўлолаверди. Хизматдошлар наздида улар ҳўмон сафда.

Байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Бошқармаси раҳбарлари ҳалок бўлган назоратчиларнинг оилаларига бўлишди. Улардан ҳўл-аҳвол сўраш билан бирга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатилди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Бошқармасига ҳўмиялик қилаётган «Диёр» фирмаси маблағ ажратди.

Мансур РИХСНЕВ.

### ЎТМИШ ВА ИСТИҚБОЛ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИАТИНИНГ ОЛТИНЧИ АНЖУМАНИ ОЧИЛДИ. ШУ БАҲОНА БИЗ ЖАМИЯТ РАИСИ Н. А. МУҲИДДИНОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

— Нуриддин Ақромович, авваламбор таъриқ 75 ёшини билан чин дилдан кўтлаймиз. — Ташаккур. Дарҳақиқат, шу ояининг охирида 75 ёшанин қаршилайман. Таваллуд кунларини нишонлашнинг ўзига хос удумлари, тартиб-қондалари бор. Муасулмонлар пайғамбар ашода, яъни 63 ёшга кирганида уни кенг нишонлайдилар, эл-юртага ош тортадилар. Чоркам бир аср мобайнида шакланган яна бир одад борки, унга кўра одамлар ўзларининг 50, 60, 70, 80 ва ундан кейинги саналарини ўтказдилар. Умуман, таваллуд кунларини онлада, яқинларининг даврасида ўтказгани маъқул. Насиб этса, 80 ёшга кирганимизда юртга, мен тарбиялаб озога етказган хал-

қимга ош-тортиш ниятим бор. — Ниятигизга етиб. Бундай ёшда эл ардомида бўлиб, унга хизмат қилиш натга бахт. Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти сиз бошинингизда миллий бойлигимиз — ёдгорликларимиз, обидларимизни таъмирлаб, уларни қайта тиклаб, халқимизга қайтариб бериш борасида кўп саъвобли ишлар қилмоқда.

— Мен хизмат юзасидан юзга яқин хоржиний мамлакатда бўлганман. Уларнинг ҳаммасида асрлар давомида қад кўтарган ўз тарихий обидаларни авайлаб, асраб келинмоқда, айни вақтда ёдгорликлардан унумли фойдаланмоқда. Лекин минг афсуски, узоқ вақт мобайнида тескар иш юритиб келинди.

(Давоми 2-бетда).



Жиззахда Шароф Рашидовнинг 75 йиллик тўйи тантаналари бўлиб ўтди. Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар. (ЎЗА).

### ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Бельгия Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчисини таъинлаган Барон Тьерри Де Грювен мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

### ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

#### БЕЛЬГИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ БАРОН ТЬЕРРИ ДЕ ГРЮВЕН

1941 йил 17 ноябрда Антверпенда туғилган. Луван католик дорилфунунининг ҳуқуқшунослик доктори. Ташқи ишлар вазирлиги тизимда 1969 йилдан ишлаб келади. 1969 — 1970 йилларда — Бельгиянинг НАТОдаги ҳайъати таркибиде Брюсселда ишлаган; 1970 — 1971 йиллар —



Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати ходими; 1971 — 1976 йиллар — Бельгиянинг Москвадаги элчихонеси ходими; 1976 — 1980 йиллар — Бельгиянинг Лондондаги (Буюк Британия) элчихонесининг иқтисодий масалалар бўйича атайчаси; 1980 — 1982 йиллар —

1982 — 1985 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги марказий девонни ходими; 1985 — 1990 йиллар — Бельгиянинг Варшавадаги (Польша) элчиси; 1990 йилдан — Бельгиянинг Москвадаги элчиси;

1992 йил апрель ойида Бельгиянинг Ўзбекистон республикасидаги ўриндошлик бўйича қароргоҳи Москвада бўлган фавқулодда ва мухтор элчиси этиб таъинланган.

Онаили, тож ишонч билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги





